ДУККАКЛИ МАҲСУЛОТЛАР ЕТИШТИРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Қудратов Алишер Алижанович
Гулистон давлат университети в.б. дотцент
https://doi.org/10.5281/zenodo.22957155

Аннотация. *Дуккакли-дон экинларининг энг мухим хўжалик аҳамиятларидан бири уларнинг илдизларида туганак бактерияларнинг тупланиши ва унинг фаолияти натижасида атмосфера азотини узлаштириб, биологик холдаги азотни тупрокда тупланиши хисобланади. Биологик азотнинг тупланишига кўпгина омиллар-ўсимликнинг тури, тупроқ-иқлим шароити, тупроқ мухити, намлиги кабилар таъсир этади. Дуккакли дон экинлари айниқса мош экиладиган ерга фосфорли ва калийли ўғитларни солиш жуда фойдалидир, чунки улар илдизда туганак пайдо бўлишига ижобий таъсир кўрсатади. Мош фосфорли, калийли ўғитларга талабчан, баҳорда экилганда гектарига 30-40 кг азот, 60-90 кг фосфор, 30-60 кг калий солинади. Шунга мувофик холда бизнинг тажрибаларда мош навлари илдизларида тупланган туганаклар сони бўйича кузатув олиб борилди ва кўчат қалинлиги ошиб бориши ва экиш меъёрини хам ошиб боришига мувофиқ ҳолда ўзгаришини кўрсатди.*

Калит сўзлар: *иқтисодий ўсиш, мош, витамин, иқтисодий барқарорлик, экспорт, қиймат, хосилдорлик, ўғитлар*

Abstract. *One of the most important economic benefits of leguminous crops is the accumulation of nodular bacteria in their roots and, as a result of its activity, they fix atmospheric nitrogen and accumulate biologically available nitrogen in the soil. Many factors affect the accumulation of biological nitrogen, such as the type of plant, soil-climate conditions, soil environment, moisture. It is very useful to apply phosphorus and potassium fertilizers to the ground where leguminous crops are planted, especially mash, because they have a positive effect on the formation of root nodules. Moss is demanding on phosphorus and potash fertilizers, when planted in spring, 30-40 kg of nitrogen, 60-90 kg of phosphorus, 30-60 kg of potassium are applied per hectare. Accordingly, in our experiments, we observed the number of nodules on the roots of mash varieties and showed that it changes with increasing seedling thickness and increasing planting rate.*

Key words*: economic growth, mosh, vitamin, economic stability, export, value, productivity, fertilizers*

Аннотация *Одним из важнейших хозяйственных преимуществ зернобобовых культур является накопление клубеньковых бактерий в их корнях, которые в результате своей деятельности фиксируют атмосферный азот и накапливают в почве биологически доступный азот. На накопление биологического азота влияют многие факторы, такие как вид растения, почвенно-климатические условия, почвенная среда, влажность. Очень полезно вносить в землю, где посажены зернобобовые культуры, фосфорные и калийные удобрения, особенно маш, поскольку они положительно влияют на образование корневых клубеньков. Мох требователен к фосфорным и калийным удобрениям.При весенней посадке на гектар вносят 30-40 кг азота, 60-90 кг фосфора, 30-60 кг калия. Соответственно, в наших опытах*

мы наблюдали количество клубеньков на корнях сортов маш и показали, что оно изменяется в соответствии с увеличением толщины сеянцев и увеличением нормы посадки.

***Ключевые слова**: экономический рост, мош, витамин, экономическая стабильность, экспорт, стоимость, производительность, удобрения.*

Кириш (Introduction)

Бугунги кунда дунёнинг барча давлатларида озиқ-овқат таъминоти масаласи устувор вазифалардан бирига айланган. Хусусан, сайёрамизда рўй бераётган глобал исиш жараёни туфайли баъзи худудларда сув тошқинлари, баъзи худудларда эса хаддан зиёд сув танқислиги юз бераётганлиги, турли табиий офатларнинг кўпайиши, биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги соҳасига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.


Бу муаммони хал қилиш бўйича ўтказилган тадбирлар эвазига дуккаклий дон мадсулотлари билан таъминлашга эришилмоқда. Ғалла экинларидан бўшаган майдонлардан оқилона фойдаланиш ва қушимча озиқ-овқат маҳсулотлариини ишлаб чиқариш мақсадида мош экинини такрорий етиштириш технологиясини ўрганиш долзарб масала ҳисобланади. Чунки сўнгги йилларда мошнинг етиштириш майдони кенгайиб бормоқда. Мош - бу ловиянинг Осиё турларидан бўлиб, дони озиқ-овқатда кенг қулланилиши, юқори сифатли ва мазали таомлар тайёрланиши билан ажралиб туради.

Мавзуга оид таҳлил ва натижалар

Мамлакатимизда деҳқончилик тармоғини ривожлантириш учун, дуккакли маҳсулотларни етиштириш самарадорлигини ошириш ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Шу боис, мамлакатимизда дуккакли маҳсулотларни етишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш лозим. Бизнинг фикримизча, дуккакли маҳсулотларни етиштириш самарадорлигини ошириш йўналишлари қуйидагилардан иборат

1. Дуккакли маҳсулотларни етиштириш ва сотиш фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш.
2. Уруғчиликни самарали ташкил этиш, дуккакли маҳсулотларнинг ҳосилдор навларини етиштириш.
3. Дуккакли маҳсулотларни суғоришда ресурстежовчи технологиялардан фойдаланиш.
4. Дуккакли маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш.
5. Дуккакли маҳсулотлар ҳосилдорлигини ошишига таъсир этувчи уруғчилик ва минерал ўғитлар нархларини оптималлаштириш.
6. Дуккакли маҳсулотларини бозорга чиқариш ва экспортни таъминлайдиган кооператив тузилмаларни яратиш.
7. Дуккакли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларини белгилаш учун маркетинг тизимини такомиллаштириш.
8. Хом ашёни қайта ишлаш, маҳсулотни сақлаш ва ташиш усулларини такомиллаштириш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, дуккакли маҳсулотларни етиштириш самарадорлигини оширишда қуйидаги асосий йўналишларни ривожлантириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз (1.2-расм):



1.2-расм. Дуккакли маҳсулотларни етиштириш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари[1]

1. Дуккакли маҳсулотларни бозорга чиқариш ва сотишни таъминловчи кооператив тузилмаларни яратиш;

2. Дуккакли маҳсулотларнинг ҳосилдорлиги юқори бўлган навларини етиштириш;

3. Дуккакли маҳсулотларнинг экспорт географиясини кенгайтириш.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда дуккакли маҳсулотларни етиштиришни ривожлантириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

-дуккакли маҳсулотларни етиштириш самарадорлигини ошириш ҳамда ассортиментини кенгайтириш;

- дуккакли маҳсулотларни етиштириш ва қайта ишлашга инвестицияларни жалб қилиш

- дуккакли маҳсулотларни етиштиришда ерлардан самарали фойдаланиш;

- мош етиштиришда интенсив технологияларни жорий этиш;

-уруғ ва минерал ўғитлар таъминлашни давлат томонидан рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш;

- дуккакли маҳсулотларни экспорт қилиш географиясини кенгайтириш ва бошқалар.

Маҳсулотларни етиштирувчи хўжаликларнинг тарқоқлиги, маҳсулотларни сотиш учун ўрнатилган каналларнинг йўқлиги, шаҳар озиқ-овқат бозорларига киришдаги баъзи бир муаммолар, шунингдек маҳсулотларни сотиш ва экспортдан келаётган асосий фойда тадбиркорлар қўлига ўтишига олиб келади. Оқибатда дуккакли маҳсулотлар етиштирувчиларнинг иқтисодий манфаатдорлиги пасайиб, маҳсулотни сотиш баҳосининг ошишига олиб келмоқда. Баҳорда эса дуккакли маҳсулотларга бўлган талаб унинг таклифидан ошади. Истеъмолчиларнинг дуккакли маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун уларни сақлаш муддатларини ошириш керак.

Бу вазиятдан чиқиш учун, бизнингча, дуккакли маҳсулотларни бозорга чиқариш ва сотишни таъминловчи кооперативларни ташкил этиш лозим. Бундай шароитда дуккакли маҳсулотлар етиштирувчиларнинг кооперацияси товар ишлаб чиқарувчиларнинг

[1] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

биргаликдаги хўжалик фаолияти шакли сифатида индивидуал фаолиятга нисбатан юқори иқтисодий натижаларга эришиш учун зарурдир.

Кооператив (дуккакли маҳсулотларни етиштирувчи хўжаликлар) муассислари кооператив билан шартнома тузадилар, унга кўра етиштирилган дуккакли маҳсулотларни сақлаш ва сотиш учун кооперативга берилади. Натижада дуккакли маҳсулотларни сотишдан олинган барча фойда хўжаликларга қайтарилиб, кооператив муассислари ўртасида унинг хўжалик фаолиятидаги иштироки ҳажмига мутаносиб равишда тақсимланади. Бу эса фойданинг воситачилар қўлига ўтмаслигини таъминлайди.

Ушбу кооперативни ташкил этишдан мақсад қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ўртасида дуккакли маҳсулотлар самарадорлигини ошириш ва бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш ҳамда маҳсулотларнинг экспортини кенгайтиришдан иборатдир.

Таклиф этилаётганган дуккакли маҳсулотларни етиштириш ва сотиш кооперативи турли мулкчилик шаклидаги дуккакли маҳсулотларни етиштирувчилар томонидан ташкил этилиб, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжларини ушбу кооператив ёрдамида қондириш мақсадида ихтиёрий равишда бирлашади. Кооператив таъсисчилари ўзларининг ҳуқуқий ва иқтисодий мустақиллигини сақлаб қолган ҳолда, уни демократия тамойиллари асосида бошқарадилар.

Дуккакли маҳсулотларни етиштириш ва сотиш кооперативи фаолиятининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

• кооперативга ихтиёрий аъзолик;

• кооперативнинг ишлаб чиқариш ва бошқа хўжалик фаолиятида иштирок этувчи аъзоларига ўзаро ёрдам кўрсатиш ва иқтисодий манфаатларини таъминлаш;

• кооперативнинг фойда ва зарарларини унинг аъзолари ўртасида уларнинг шахсий меҳнат иштироки ёки кооперативнинг хўжалик фаолиятидаги иштирокини ҳисобга олган ҳолда тақсимлаш;

• кооперативнинг аъзоси бўлмаган шахсларнинг хўжалик фаолиятида иштирок этишини чеклаш;

• кооператив фаолиятини демократик асосда бошқариш (кооперативнинг бир аъзоси – бир овоз);

• кооперативнинг барча аъзолари учун унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги.

Кооперативни ташкил этиш босқичларининг тартиби ва кетма-кетлиги 1.3-расмда келтирилган. Кооперативнинг зарурий шарти унинг аъзоларининг дуккакли маҳсулотларни етиштириши ва умумий маҳсулотнинг салмоқли қисмини (70-80%) кооперативга бериши лозим.

Бунда ташкилий қўмита кооперативнинг техник-иқтисодий лойиҳаси ва устав лойиҳасини тайёрлайди ҳамда дастлабки умумий ташкилий йиғилишни ўтказади. Сўнгра умумий ташкилий йиғилишда аъзолар кооператив аъзолигига қабул қилинади, устав тасдиқланиб, бошқарув ва кузатув кенгаши таркиби сайланади. Кооперативни рўйхатдан ўтказиш учун тегишли органларга ариза берилади. Кооперативни ташкил этиш бўйича йиғилиш баённомаси расмийлаштирилиб, кооператив устави тасдиқланади.



1.3-расм. Дуккакли маҳсулотларни етиштириш ва сотиш кооперативини ташкил этиш тартиби[2]

Дуккакли маҳсулотларни етиштириш ва сотиш кооперативини ташкил этиш ва кейинчалик фаолият юритиш учун дуккакли маҳсулотлар етиштирувчи хўжаликлар ўзларининг мулкий улушларини кооператив пай фондига бирлаштиришлари керак

Хулоса.

Мамлакатимизда дуккакли маҳсулотларни етиштириш самарадорлигини ошириш йўналишлари қуйидагилардан иборат: меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш; дуккакли маҳсулотларнинг ҳосилдор навларини етиштириш; дуккакли маҳсулотларни суғоришда ресурстежовчи технологиялардан фойдаланиш; дуккакли маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш; уруғчилик ва минерал ўғитлар нархларини оптималлаштириш; дуккакли маҳсулотларини бозорга чиқариш ва экспортни таъминлайдиган кооператив тузилмаларни яратиш; дуккакли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишда маркетинг тизимини такомиллаштириш; хом ашёни қайта ишлаш, маҳсулотни сақлаш ва ташиш усулларини такомиллаштириш.

Ушбу йўналишларни амалга ошириш учун дуккакли маҳсулотларни бозорга чиқариш ва сотишни таъминловчи кооперативларни ташкил этиш лозим. Ушбу кооперативни ташкил этишдан мақсад қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ўртасида дуккакли маҳсулотлар самарадорлигини ошириш ва бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш ҳамда маҳсулотларнинг экспортини кенгайтиришдан иборатдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Орипов Р., Халилов Н. Ўсимликшунослик. – Тошкент, 2006. – 245-248 б.
2. Пилов А.П. Ловия ва мош. – Т.: Ўзбекистон, 1978. – 65 б.

[2] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

3. Мавлянова Р.Ф., Сулаймонов Б.А., Болтаев Б.С., Мансуров Х.Г., Кенжабаев Ш.М. Мош етиштириш технологияси: Тавсиянома. – Тошкент, 2018.
1. 4.“Ўзбекистонда инновацион технологиялар асосида мош ва оддий фасолни такрорий қилиб ўстириш” бўйича тавсиялар. – Андижон, 2018. – 28 б.
4. Доспехов Б,А, —Методика полевого опыта, Изд-во «Колос» Москва 1985г
5. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари.Тошкент.2007 й.
6. Мавланова Р.Ф., Сулаймонов Б.А., ва бошқалар. Мош етиштириш технологияси Т., 2018 йил
7. Турсунов С. Ўсимликшунослик.Т., “Ижод-пресс”,2019. 5. Мош етиштириш технологияси. Тавсиянома. Тошкент-2018 6. Орипов Р., Халилов Н. Ўсимликшунослик. – Тошкент.: 2006. –Б.245-248
8. Доспеховнинг Б.А. Методика полевого опыта. - М., 1985.
9. Кондратюк В. Весенняя и предпосевная обработка почвы // Сельское хозяйство Узбекистана.- Т., 1970.